

МАКТАБЛАРДА ТИЛ ВА КАСБ ЎРГАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев хузурида 20 январь кuni мактабларда хорижий тиллар ва касб ўргатиш тизимини ривожлантириш масалалари бўйича кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари халқимизга Мурожаатномасида “ижтимоий давлат” тамойилига алоҳида эътибор қаратган эди. Айнан айтганда, “Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон соҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағиллигини қисқартириш, демакдир”.

Бунга эришишнинг асоси, биринчи навбатда, таълим. Шу боис Мурожаатномада мактаб ўқувчиларини камида иккита хорижий тил ва битта касб-хунарга ўргатиш устувор вазифа этиб белгиланган эди.

Сўнгги йилларда таълимга, ўқитувчиларга эътибор ошди, олий таълимда қабул сони ва йўналишлар кўпайди. Лекин мактаблардаги сифат ҳали талаб даражасига чиққани йўқ. Масалан, 11 йил мактабда ўқиган бола чет тилини мукаммал билмайди. Шароит ва мутахассислар йўқлиги сабабли ёшларни касбларга қизиқтириш муҳити шаклланмаган. Мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмадандан қириб келмоқда.

Шу боис йиғилишда хорижий тилларни ўқитиш сифатини ошириш ва ўқувчиларни касбга йўналтириш масалалари муҳокама қилинди.

— Мактабдан касб ва тилни билиб чиққан бола жамиятимизнинг катта ютуғи, билмагани муаммо, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу таъриббани жорий этиш учун ҳар бир вилоятдан биттадан шахар ва иккитадан туман танлаб олинган. Улардаги 2 мингдан ортиқ мактабларнинг шароити, педагоглар малакаси, ўқувчиларнинг касб-хунар ва хорижий тилларга қизиқиши ўрганилган.

Энди туман ва маҳаллаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқувчилар мактабнинг ўзида 64 хил ишчи касбларга ўргатилиши кўзда тутилмоқда.

Шу боис ҳокимликларга ушбу танлаб олинган мактабларда касб-хунар устаконалари ташкил этиш, уларни жихозлаш ва зарур ашёлар билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Бунга ёшлар етакчилари ва тадбиркорлар ҳам жалб этилади. Ёшлар жамғармасидан маблағлар йўналтирилади.

— Ҳозир тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчиларни шу масала қийнапти: бўш иш жойи кўп, ойлиғи ҳам яхши, лекин ўқувчи ва кўникмаси бор ишчи йўқ. Агар бу тизим тўғри ташкил қилинса, биздаги демографик ўсиш билан катта натижаларга эришмса бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, ўқувчиларни ахборот технологиялари ва “креатив индустрия” бўйича замонавий касбларга ўргатиш муҳимлиги таъкидланди.

Чет тилларни сифатли ўргатиш учун мактабларга “тил эгаси” бўлган педагоглар жалб қилиш, Президент мактабларининг тил ўргатиш тажрибаси, дарслик ва дастурларини татбиқ этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда вилоят ҳқимлари танланган мактаблар мисолида хорижий тиллар ва касб ўргатишни ривожлантиришга оид режалар юзасидан ахборот берилди.

Шунингдек, Президент тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларига қиш мавсумида аҳолини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш борасида масъулият ва назоратни кучайтириши лозимлигини кўрсатиб ўтди. Тадбиркор ва қорхоналар фаолиятидаги муаммолни масалаларни ҳал қилишда уларга ақиддан кўмаклаштиш, зарур ҳолларда молиявий ресурслар ажратиш, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг асосий ошиб кетишининг олдини олиш ва бозорларда тақлифни кўпайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

ЎЗА.

Сенат кўмиталарида ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРГА АЛОҲИДА УРҒУ БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Сенати қатор кўмиталарининг кеча бўлиб ўтган мажлисларида уларнинг ўтган йилдаги фаолияти сарҳисоб қилинди. Айни чоғда жорий йилдаги энг асосий вазифаларга алоҳида урғу берилди.

Хусусан, Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси мажлисида кўмита ўз фаолиятини Конституция ва қонунларда белгиланган ваколат ҳамда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида акс этган вазифаларга мувофиқ олиб боргани таъкидланди.

Жумладан, кўмита аъзолари иштирокида қонунчилик ва парламент назорати фаолияти доирасида 14 та мажлис ўтказилиб, уларда 26 та масала муҳокама қилинди. Сенат ялли мажлисларига 5 та қонун ва 6 та масала тайёрланди. Ҳўкуматга 1 та парламент сўрови юборилди, 2 та парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди. Вазирлик ва идораларга 12 та сенатор сўрови жўнатилиди.

Кўмитанинг назорат-таҳлил фаолияти доирасида Қишлоқ ҳўжалиги ва Сув ҳўжалиги вазирликлари ҳамда Ветеринария ва қорвачиликни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2023 — 2026 йилларда ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва туберкулёз инфекциясидан химоялаш, туберкулёз ва ўпканинг носпециф касалликлари тарқалишининг олдини олиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги “Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4191-сон қарорига мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилди:

2021 йилга келиб туберкулёздан касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига нисбатан **35,2 тани**, ўлим кўрсаткичи эса **1 тани** ташкил қилиб, 2019 йил кўрсаткичларига нисбатан мос равишда **9,3** ва **16,6** **фоизга** камайди;

тизимдаги мультидисциплинар гуруҳлар томонидан кўрсатилган рухий-ижтимоий ёрдам натижасида даволаш мuddатларига ройза этмаган беморлар сони **2 бараварга** камайди;

хавфли гуруҳга кирувчи **12 минг** шахсларда туберкулёзнинг латент шакли аниқланган ва профилактик даво билан тўла қамраб олинди;

80 та тумандаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида замонавий тезкор молекуляр-генетик ташхислаш усули амалиётга татбиқ этилди.

Шу билан бирга, туберкулёз ва ўпка носпециф касалликларининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш ҳамда 2022 йил 18 март кuni ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2022 йил 18 март кuni ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадри учун” мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, ОИВ инфекциясини профилактика қилиш, унга ташхис қўйиш ва даволаш сифатини янада ошириш, аҳоли орасида ОИВ инфекциясини аниқлаш бўйича текширувлар қамровини ошириш, беморларга сифатли тиббий ва рухий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни зарур дори воситалари билан тўлиқ таъминлаш ҳамда ижтимоий химоясини кучайтириш мақсадида:

1. **Аҳоли орасида ОИВ инфекциясини тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) илова мувофиқ тасдиқлансин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 2030 йилга бориб ОИВ эпидемиясига барҳам бериш учун “95-95-95” стратегияси илгари сурилганлиги ва унинг доирасида ОИВ инфекциясини юктириб олган шахсларнинг 95 фоизи ўз мақомини билишлари, махсус даволаш курслари билан қамраб олиниши, 95 фоизининг қонда вирус юкламаси аниқланмайдиган даражага тулиши кераклиги **маълумот учун қабул қилинсин**.

Маъмур стратегияга мувофиқ тадбирларни амалга ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2023 — 2027 йилларда Давлат бюджетни маблағлари, ОИТС, сил ва безгакка қарши куралиши бўйича Глобал жамғарма маблағлари, Осиё тараққиёт банки ҳамда Осиё инфраструктураларининг инвестициялар банкининг қарз маблағлари ҳисобидан аҳоли ўртасида ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш мақсадида **тест тизимлари ва ретровирусга қарши воситаларни харид қилиш**, ОИТСга қарши кураш марказлари ва уларнинг туманларо диангностика лабораторияларининг **моддий-техника базасини** ривожлантириш, мутахассисларнинг **билим ва кўникмаларини ошириш**, кенг тарғибот ишларини ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилий тадбирлар учун **120 миллиард сўм** ва **54 миллион** АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар йўналтирилишини таъминласин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятлов):

а) **2027 йилда:** ОИВ инфекциясини юктириб олган ҳамда ўз мақомини билган, махсус даволаш курслари билан қамраб олинган ва қонда вирус юкламаси аниқланмайдиган даражага тулган шахслар кўрсаткичи **95 фоизга** етказилишини;

ОИВ инфекциясининг **онадан болага юқишига барҳам берилишини** таъминласин;

б) никоҳланувчи шахсларни ОИВ инфекцияси бўйича мажбурий тиббий қўриқдан ўтказиш жараёнини электрон тизим орқали амалга оширишни йўлга қўйиш мақсадида Адлия вазирлиги билан биргаликда **2023 йил 1 июнга қадар** Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида, **2023 йил якунига қадар** эса бошқа ҳудудларда “Электрон ҳукумат” тизимининг идораларо интеграция платформаси орқали ФХДЕ органлари ва тегишли тиббиёт муассасалари ўртасида **электрон ҳамкорлиқни ташкил қилиш**;

в) **2023 йил якунига қадар** ОИВ инфекцияси аниқланган ҳолатлар мониторингини таъминлаш, реал вақт режимида препаратлар ва диагностикаларнинг ҳаракатланишини кузатиб бориш

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 24 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 19 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган **«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»**ги 513–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–394-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 9, 340-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431-модда; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-модда биринчи қисмининг:** **тўққизинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин; **ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар** тегишинча **тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **39-модданинг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Маҳаллий давлат ҳқоимияти органлари ўз ҳудудида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларининг режалаштирилиши, лойиҳалаштирилиши, қурилиши ҳамда фойдаланишга топширилиши устидан назоратни амалга оширадир».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Маҳаллий давлат ҳқоимияти тўғрисида»**ги 913–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда) **25-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

учинчи қисм чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисм учинчи қисм деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»**ги 265–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 265, 267-моддалар, № 9, 589, 592-моддалар; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 797-модда) **6-моддасининг бешинчи хатбошисидagi** “тиббий ёрдам сифатининг клиник-статистик стандартларига риоя этилишини назорат қилиш” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган **«Ҳўжалик юртимизга субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»**ги 717–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **17-моддасининг учинчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўдирилсин:

«Текширишни белгиланган тартибда тасдиқланган саволнома бўйича амалга ошириш»;

учинчи – еттинчи хатбошилар тегишинча **тўртинчи – саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган **«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»**ги 310–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 217-модда, № 4, 340-модда) **46-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

(Давоми 2-бетда).

ЁШЛАР — КАТТА КУЧ ВА САЛОҲИЯТ ДЕГАНИ

Ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш нафақат соҳа вакиллари, айни чоғда барчамизнинг энг муҳим вазифаларимиз саналади.

Мулоҳаза

Зеро, мактаб, коллеж, лицей ёки олий ўқув юртида таълим олаётган, турли ташкилот ва қорхоналарда фаолият юритаётган, умуман, ёшларимиз Ватанимизнинг бугун ва эртанги кунини белгилаб берадиган асосий кучдир. Негаки, юртимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 19 миллион нафардан зиёддир, яъни аҳолининг қариб 55 фоизини ташкил этади.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, ёшлар — катта куч ва



улкан салоҳият дегани. Эндиги вазифа айни куч ва салоҳиятдан қандай фойдаланишимизга боғлиқ. Яъни бугун биз фарзандларимизга замонавий билим ва тарбия бера олсак, уларнинг бўш вақтини мазмунли ва фойдали тарзда ташкил этсак, шундагина кутган нати-

жаларимизга эришамиз. Қадимий ва ҳаммаша навқирон Самарқанд шаҳрини бугун дунё янада кўпроқ таниди. Тарихдан илм, маърифат ва маданият ўчоғи бўлган ушбу аниман кент ҳар бир жабҳада ўрнак, ибрат мактаби бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 майда қабул қилинган «**Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида**»ги ўРҚ–97-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 5, 219-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **9-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
бешинчи хатбоши **тўртинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида**»ги ўРҚ–155-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 191-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 99-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 803-модда) **37-моддасининг иккинчи қисмидаги** «божхона органлари ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида**»ги ўРҚ–440-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 8, 384-модда; 2019 йил, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 4, 337-модда) **7-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:
«Тегиширшларни рўйхатга олиш китобининг ҳисобини электрон тарзда юритиш;

давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ўз ваколатлари доирасидаги соҳалар бўйича белгиланган тартибда тақдим этилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг қонунчилик талабларига мувофиқлиги рўйхати асосида шакллантириладиган мажбурий талабларнинг электрон реестрини юритиш»;
саккизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда қабул қилинган «**Аудиторлик фаолияти тўғрисида**»ги ўРҚ–677-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 146-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар, № 4, 340-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:
1) **11-модданинг:**

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
бешинчи хатбошиси **тўртинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

2023 — 2026 йилларда ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Қуйидагилар туберкулёз ва ўпка носпецифик касалликларининг олдини олиш, уларни скрининг қилиш ва эрта аниқлаш, даволаш ҳамда тарқалишига қарши курашиш бўйича Марказинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

соғлиқни сақлаш муассасаларида ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология тизимларини илгор ҳордижий тажриба асосида **такоммиллаштириш** ва **модернизация** қилиш;

фтизиатрия ва пульмонология йўналишида вилоят (республика), туман (шаҳар) ҳудудий тиббиёт муассасалари ўртасида **тизимли узвий боғлиқликини** ҳамда услубий **вертикаль бошқарувни** таъминлаш;

туман (шаҳар) фтизиатрия муассасалари қошида мавжуд шифо ўринлари ва штат бирикликлари доирасида кундузги стационларни ташкил этиш орқали аҳолига малакали фтизиатрия ва пульмонологик тиббий ёрдам кўрсатиш **ҳақмини ошириш** ҳамда республика фтизиатрия реабилитация марказларида ўпка носпецифк касалликларининг шифохонадан кейинги даврдаги **кузатувини ташкиллаштириш**;

туберкулёз ва ўпка носпецифик касалликларни бўйича эпидемик вазиятни мунтазам таҳлил қилиш, мониторингини олиб бориш, касалликлар тарқалиш тенденцияларини прогнозлаш, тақлифлар шакллантириш ҳамда беморларнинг **миллий электрон реестрини** юритиш;

туберкулёз ва ўпканинг носпецифк касалликлари олдини олиш, ташхислаш ва даволашга қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда илмий тадқиқотлар бўйича **эксперт тақризини** бериш;

ўпка **патологиясининг клиниколди белгиларини** эрта аниқлаш учун йиллик тиббий кўрик доирасида **скрининг дастурларини** ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш;

ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини амалиётга жорий этиш орқали Марказда ва ҳудудларда юқори **технологик жарроҳлик амалиётлари** улушини ошириш;

ракамли технологиялар ёрдамида беморларни қўллаб-қувватлаш ҳамда амбулатор даволашнинг **видеоназорат усулини** кенгайтириш;

кўп тармоқли марказий поликлиникалар қошида «**Астма ва сунуналки обструктив ўпка касалликларни мактаби**»ни ташкил этиш орқали ўпканинг носпецифк касалликларига чалинган беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш ва уларни касаллик эўрайишининг олдини олишга ўратиш;

ҳудудий фтизиатрия ва пульмонология марказлари ҳузурида мавжуд шифо ўринлари ва штат бирикликлари доирасида **масофавий ўқитиш ва мониторинг қилиш инновацион марказларини** ташкил этиш.

3. **2023 — 2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини ривожлантириш бўйича максадли кўрсаткичлар** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи фтизиатрия ва пульмонология тизимларини такомиллаштиришга қаратилган тақлифларига розилик берилсин:

а) соҳада яхлит вертикаль тизимнинг туман бўғинини яратиш мақсадида туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалар таркибидаги фтизиатрия бўлимлари ва хоналари неғизида мавжуд фтизиатр ва пульмонолог штат бирикликлари доирасида **фтизиопульмонология бўлимларини** ташкил этиш;

б) вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида фаолият юритадиган бош пульмонолог штатларини шифо ўрни фонди қолдирилган ҳолда ҳудуддаги фтизиатрия ва пульмонология марказларига ўтказиш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Қудбиев), Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда **2023 йил 1 июлга қадар** фтизиатрия касаллигининг хусусиатларини ҳамда фтизиатрия ва пульмонология тизимларини такомиллаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда барча бўғинларда янгиланган штат меъёрларини тасдиқласин.

Марказга фтизиатрия ва пульмонология соҳасида фаолият

2) **12-модда иккинчи қисмининг: бешинчи – саккизинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;

тўққизинчи – ўн иккинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи – саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;
олтинчи хатбошиси «такомиллаштирилишини» деган сўздан кейин «ва аудиторлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик талабларига аудиторлик ташкилотлари томонидан рияоз этилаётганлиги юзасидан мазкур дастурий мажмуа орқали масофавий мониторинг амалга оширилишини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **13-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига қуйидагилар жойлаштирилади:

аудиторлик фаолиятининг стандартлари;
Аудиторлик ташкилотларининг реестри ҳамда халқаро аудиторлик ташкилотининг ёки халқаро ассоциацияларнинг аъзолари бўлган аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги маълумотлар;

ушбу Қонун 44-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган Аудиторлар реестридаги маълумотлар;

аудиторлик ташкилотларининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш тартиби;
мажбурий аудиторлик текшируви ўтказган аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назорати натижалари;
аудиторлик хизматларини ривожлантириш тўғрисидаги ахборот»;

4) **15-модданинг учинчи қисми:**

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
учинчи – тўққизинчи хатбошилари тегишинча **иккинчи – саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«малака имтиҳонини ўтказиш регламентини, аудиторнинг малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш мuddатини узайтириш ва аудиторнинг малака сертификати амал қилишини тугатиш тартибини, аудиторларнинг малакасини оширишга оид намунавий дастурни ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда тасдиқлайди;
малака имтиҳонини ўтказади;

аудиторнинг малака сертификатини беради, қайта расмийлаштиради, унинг амал қилиш мuddатини узайтиради ва аудиторнинг малака сертификатини амал қилишини тугатади, бундан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган сертификат мустасно»;

5) **18-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аудиторлар малакасини ошириш курслари аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланадиган намунавий дастур бўйича ўтказилади»;

6) **19-модданинг иккинчи қисмидаги** «ваколатли давлат органи томонидан» деган сўзлар «аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **20-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Малака имтиҳонини ўтказиш регламенти ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан белгиланади»;

8) **22-модда:**

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «ваколатли давлат органига» деган сўзлар «аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «ваколатли давлат органига» деган сўзлар «аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **23-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Ваколатли давлат органи» деган сўзлар «Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи – тўққизинчи қисмлари тегишинча **учинчи – саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисмидаги «ваколатли давлат органи» деган сўзлар «аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «ваколатли давлат органининг» деган сўзлар «аудиторлар республика жамоат бирлашмасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **24-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилган тақдирда, аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси қабул қилинган қарор тўғрисида талабгорни рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда уч иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади»;

11) **25-модданинг:**

биринчи қисмидаги «ваколатли давлат органи» деган сўзлар «аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «бир ойлик мuddатда ваколатли давлат органига сертификатни қайта расмийлаштириш тўғрисида» деган сўзлар «сертификатни берган аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига сертификатни қайта расмийлаштириш тўғрисида бир ойлик мuddатда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Яроқсиз ҳолга келган сертификат уни берган аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига қайтарилиши ва йўқ қилиниши лозим»;

олтинчи қисми чиқариб ташлансин;

12) **26-модда:**

иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги «ваколатли давлат органининг» деган сўзлар «аудиторлар республика жамоат бирлашмасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «Ваколатли давлат органининг» деган

сўзлар «Аудиторлар республика жамоат бирлашмасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сертификатнинг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар сертификатни берган аудиторлар республика жамоат бирлашмасининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши лозим»;

тўққизинчи қисмидаги «ваколатли давлат органига» деган сўзлар «уни берган аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **29-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **ўн тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ўз веб-сайтини юритиши ва уни фаол ҳолатда сақлаб туриши»;

ўн тўққизинчи хатбошиси йигирманчи хатбоши деб ҳисоблансин;

14) **35-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Биржалар»;

15) **43-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ушбу Қонун 27-моддасининг олтинчи қисмида белгиланган талабларга номувофиқлик аниқланган тақдирда»;

иккинчи – саккизинчи хатбошилари тегишинча **учинчи – тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

16) **44-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ваколатли давлат органининг ва аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг расмий веб-сайтларига Аудиторлар реестридаги танишиш учун очиқ бўлган маълумотлар жойлаштирилади, унда қуйидагилар кўрсатилади».

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

12-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2023 йил 20 январь № ўРҚ—815	

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда Германия тараққиёт банки томонидан мазкур қарорга 4-иловага мувофиқ Марказга ажратилаётган грант маблағларини жалб қилишда қўмаклашсин.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ҳар йили туберкулёз ва сунуналки обструктив ўпка касалликларни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ушбу қарорда назарда тутилган иммунодиагностика, туберкулёзга қарши дори воситалари, лаборатория реагентлари хариди учун зарур бўлган маблағлар ажратилишини таъминласин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов):
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган бюджет маблағлари доирасида Марказнинг бино-иншоотларини капитал таъмирлаш ҳамда тиббий ускуналарини созлаш;
Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Ташки ишлар вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режаларининг бажарилиши учун халқаро молия институтларининг соҳага тегишли грантларини жалб қилиш;

Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан танлов асосида саралаб олинган 40 нафаргача фтизиатр ва пульмонологларни 2023 — 2026 йиллар давомида нуфузли хорижий тиббиёт марказларида малака оширишга юбориш чораларини кўрсин.

14. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда туберкулёз ва ўпканинг носпецифк касалликлари олдини олиш, ташхислаш ва даволашга қаратилган илмий ишлар диссертация ҳимоясигача Марказнинг тегишли мавзудаги тақризи олинишини таъминлансин.

15. Инновацион ривожланиш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Марказ илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат бюортмасини шакллантиришда туберкулёз ва ўпканинг носпецифк касалликлари олдини олиш, ташхислаш ва даволашга қаратилган лойиҳалар танловини эълон қилсин.

16. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси бир ой мuddатда 2023 йилга мўлжалланган туберкулёз ва ўпканинг носпецифк касалликларини профилактика қилиш, ташхис қўйиш, даволаш ҳамда реабилитация жараёнларига нисбатан жамоатчиликда ижтимоий фикрни шакллантириш, оммавий ахборот воситалари ва икжтимоий тармоқларда кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга қаратилган мақоалар эълон қилиш, тематик телекўрсатувлар намойиш этиш бўйича медиа-режа қабул қилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.Ш.Иноятов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Туйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2023 йил 20 январь	

ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРГА АЛОҲИДА УРҒУ БЕРИЛДИ



Хисобот даврида кўмита аъзолари доимий равишда халқ билан мулоқотда бўлиб, фуқаролардан келиб тушган 11,5 мингдан зиёд ёзма мурожаатларни кўриб чиқди. Шахсий қабул, оғзаки ва сайёр қабулларда биндирилган мурожаатларнинг 59 фоизи ижобий ҳал этилди.

Йиғилишда кўмитанинг 2023 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси ҳам кўриб чиқилди.

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси йиғилишида ўтган йилги қонунчилик ва парламент назорати фаолияти доирасида 49 та мажлис ўтказилиб, 145 та масала кўрилгани ҳамда Хукуматга 1 та парламент сўрови юборилиб, 2 та парламент сўрови натижалари мўҳокама қилингани қайд этилди.

Шу билан бирга, Оролбўйи минтақасини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш ва экологияга оид 30 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, 4 та қонун, 3 та халқаро конвенция, давлат раҳбарининг 14 та қарори, 2 та Фармони, соҳага оид 3 та халқаро конвенция талаблари ижроси ўрганилди.

Назорат-таҳлил фаолияти доирасида 20 та тадбир ўтказилиб, 80 дан ортиқ тақлиф ва тавсиялар қабул қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўқорги Кенгеси ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутатлари билан ҳамкорликда "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги мажлис резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги Президент қарорининг ижро этилиши ўрганилди. Масала юзасидан Хукуматга парламент сўрови юборилиб, Сенат ялпи мажлисида натижалари мўҳокама қилинди.

Қолаверса, кўмита аъзолари 10 та халқро, 20 дан ортиқ республика илмий-амалий анжуманларида, 100 га яқин халқро экологик саналарга бағишланган тадбирларда иштирок этди.

Халқ билан мулоқот, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича Хукуматга 1 та парламент сўрови, вазирлик ва идораларга 42 та сенатор сўрови юборилди. Натижада 32 та масала ҳал этилиб, 10 таси назоратга олинди.

Кўмита аъзолари томонидан сайловчилар билан 2 минг 100 дан кўп учрашувлар ташкил этилди. Йил давомида кўмитага жисмоний ва юридик шахслардан 495 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 293 таси ижобий ҳал этилди, 262 таси вазирлик ва идораларга юборилди, 60 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Жумладан, уй-жой билан таъминлаш, субсидия асосида сотиб олиш ва таъмирлаш масаласида 78 нафар фуқарога ёрдам кўрсатилди, 12 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, 27 нафар фуқарога моддий ёрдам кўрсатилиб,

10 та фермер хўжалигининг муаммолари ҳал қилинишига кўмак берилди.

Мажлисида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарор ва дастурлар ижроси устидан парламент назоратини давом эттириш, "Яшил энергетика" — "Яшил иқтисодиёт" тамойилларини илгари суриш, ушбу йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга оширишга кўмаклашиш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Кўмита мажлиси доирасида 2 февраль — Бутунжаҳон сувли-ботқоқли ҳудудлар кунига бағишланган анжуман ҳам бўлиб ўтди.

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси мажлисида қайд этилганидек, ўтган йилда кўмита томонидан қонунчилик фаолияти доирасида 4 та қонун ва 2 та масала дастлабки тарзда кўриб чиқилиб, Сенат ялпи мажлиси мўҳокамасига киритилган.

Назорат-таҳлил фаолияти доирасида 7 та ҳудудда (Фарғона, Наманган, Андижон, Сирдарё, Тошкент, Навоий ва Хоразм вилоятлари) хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётини яхшилаш, таъмиротириш таъминлаш, муаммоларига тизимли равишда ечим топиш борасида ўрганиш ишлари олиб борилди ва ушбу масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Уларда асосий эътибор хотин-қизларни касбга ўқитиш, тадбиркорликка жалб этиш ва иш билан таъминлаш, ушбу йўналишда мавжуд камчиликларни бартараф қилишга қаратилди.

"Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, 44 вазирлик ва идорада кўмита экспертлари иштирокида гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари фаолиятини уюштириш ҳолати ўрганилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошлигининг хорижда ишлаб қайтган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича амалга ошираётган ишлар юзасидан ахбороти эшитилди.

Шунингдек, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ва уни 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ижроси юзасидан ҳар чоракда тегишли вазирлик ва идоралар ахборотлари эшитилиб, ортда қолаётган бандларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш борасида тегишли кўрсатмалар бериб берилди.

Хисобот даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни кўллаб-қувватлаш ҳамда мурожаатларда кўтарилган масалалар юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга 18 та сенаторлик сўрови юборилди.

Шуларга мос ҳолда хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини ошириш, раҳбар аёллар сафини кенгайтириш, етакчилик кўникмасини ривожлантириш мақсадида "Етакчи аёллар мулоқоти" платформаси ташкил этилди. Жамият муаммоларига бефарқ бўлмаган ва ўз тахрибасидан келиб чиқиб, жараёнга янгича ёндаша оладиган фаол етакчи аёлларни саралаш масалалари кўриб чиқилди ва мазкур платформага 14 та ҳудуддан жами 182 нафар аёл бериб қилинди.

Йил давомида кўмитага 2 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг барчаси назоратга олинди ва тегишли равишда кўриб чиқилиши таъминланди. Вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида 23 мартаба фуқаролар қабули ўтказилиб, 620 дан зиёд мурожаатлар эшитилиб ва салмоқли қисми ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, мажлисида 2023 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси юзасидан ахборот берилди.

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси мажлисида сенаторлар, экспертлар, вазирлик ва идора масъуллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари котибати мудирлари, ёшлар масалалари бўйича доимий комиссия раислари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот васиталари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида кўмита томонидан 20 та мажлис ўтказилиб, уларда 60 га яқин масала кўриб чиқилган. Қонунларнинг ҳудудлардаги ижро ҳолати, Давлат

дастури, Президент Фармон ва қарорларининг ижросини ўрганиш мақсадида 9 та назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилган. Натижада долзарб масалалар юзасидан Сенатнинг 2 та қарори, кўмитанинг 7 та қарори қабул қилиниб, аниқланган камчиликларни ижобий ҳал этиш чоралари қўрилган.

Хусусан, кўмитанинг оилавий болалар уйларига берилаётган болалар сонини 3 — 5 нафар эътиб белгилаш тўғрисидаги тақлиф Хукумат қароридан акс эттирилди. Оилавий болалар уйларида тарбияланувчиларнинг яшаш ҳаражати учун ажратилган маблағларни ҳар ойнинг 5-санасига қадар тўтинган ота-она номига очилган банк пластик картасига тўғридан-тўғри ўтказиб бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Тадбирда театрлар томонидан саҳналаштирилган асарлар бўйича 2009 — 2021 йиллардаги мавжуд қарздорлик юзасидан 63 нафар ижодкорга 193 та муаллифлик асари учун жами 2,9 млрд. сўм маблағ тўлаб берилгани ҳам айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, кўмита ўрганишлари натижасида Урганч туманида мақом санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернати учун 200 ўринли ўқув биноси, 150 ўринга мўлжалланган ётқоҳона ва ошхона биноларида тўлиқ қурилиш ишлари якунига етказилиб, фойдаланишга топширилишига эришилди.

Хисобот даврида кўмитага жисмоний ва юридик шахслардан жами 784 та ёзма мурожаат келиб тушди. Шундан, 156 тасига тушунтириш берилди, 260 та назоратга олинган мурожаатдан 135 таси ижобий ҳал этилди.

Мажлисида кўмитанинг 2023 йилдаги устувор вазифаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, маданият ва санъат таълими муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ижросини ўрганиш, ёшлар санъат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини кўллаб-қувватлаш юзасидан Андижон ва Фарғона вилоятларида олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш, маҳаллаларда очилган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари фаолиятини таҳлил қилиш ана шулар жумласидандир.

«Халқ сўзи».

ЁШЛАР — КАТТА КУЧ ВА САЛОҲИЯТ ДЕГАНИ



Хосен ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Маълумотларга кўра, вилоятимизда бугун ўттиз ёшгача бўлган нафрон авлод 2 миллион 274 минг 200 нафрон ташкил этади. Албатта, бу кичик рақамлар эмас.

Ҳўш, Самарқандда йигит-қизлар билан ишлаш борасида қандай ташаббуслар илгари сурилмоқда?

Авалло, бу борада давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар масаласининг ўта долзарблигини келиб чиққан ҳолда, улар билан шўғулланишнинг аниқ механизми белгилаб берилганлигини айтиш зарур. Айни пайтда ҳудудимизда шу асосда фаолият олиб бориляпти.

Чекка манзиллардаги маҳалла ва умумтаълим мактабларида тўғрақарлар ташкил этилиб, беш ташаббус олимпиадалари босқичлари мунтазам ўтказиб келинаётир. Бундан кўзланган мақсад фарзандларимизнинг бўш вақтида тўғрақара бориб, бирор касб-ҳунарга эгагини тутиши, спорт, мусиқа санъати ва китобхонликка ошно бўлишига кўмаклашишдан иборат. Касб-ҳунар, мусиқа, китоб билан дўстлашган инсондан эса ёмонлик чиқмайди, фақат ва фақат халқи ва Ватанига эзгуликлар қилишга уринади.

Ёшлар билан боғлиқ яна бир долзарб масала — уларнинг бандлигини таъминлаш. Тўғри, сўнгги йилларда бу йўналишда кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда. Масалан, жойларда "ёшлар дафтари"нинг юриштирилиши мутасаддилар томонидан тизимли назоратга олинган. Бироқ бу борада ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар ҳам йўқ эмас.

Бугун вилоятимиздаги олий ўқув юрларида жами 57 минг 776 нафар талаба таҳсил олмақда. Демак, маррани янада юксак олиб, ҳар бир битирувчи билан индивидуал шўғулланишимиз, ҳар бир ёш

билан ишни қандай ташкил қилиш кераклигига янада эътибор қаратишимиз керак бўлади.

Шу ўринда "Agromir group" корхонамизда йил мобайнида узум ва боғдорчилик йўналишида 1 мингдан ортиқ, қурилиш-таъмирлаш ишларида 500 ва ишлаб чиқаришда 400 нафар, жами қарийб 2 мингта иш ўрни яратиш мақсадида меҳнат қилаётганнимизни айтиб ўтмоқчимиз.

Эңдликда биз, сенаторлар жойлардаги депутатлар ва жамиятда ўз ўрнини топан йирик тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжалиги раҳбарлари ҳамда кластерлар вакиллари иштирокида ёшларимиз учун маҳорат дарслари, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этсак, нур устига аъло нур бўлади. Негаки, улар таъсирида фарзандларимизда ушбу соҳаларга қизиқиш ошади, уларда илк кўникмалар ҳосил бўлади. Қарабисизки, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш пайига тушиб қолади. Натижада у ўзини банд этишдан ташқари, яна ўнлаб тенгдошларини ишли қилади.

Шунингдек, буюқ аждодларимиз, уларнинг бой моддий ва маънавий мероси, илм-маърифати, ибратли сўзлари ва насихатларига таянган ҳолда, маънан баркамол, жисмонан бақувват авлодни тарбиялаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан яна биридир.

Умуман, ёшларимизни ҳар томонлама етук қилиб тарбияласак, катта куч ва салоҳият ўз-ўзидан майдонга чиқади. Бунинг учун бугун биз ҳеч нарсани аямаслигимиз керак бўлади. Ана шунда, Ўртбошимиз таъбири билан айтганда, янги Ўзбекистонни билмилли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз.

Шавкат ЖАЛОЛОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Реклама

Брифинг

24 ТА НАЗОРАТ- ТАҲЛИЛ ТАДБИРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси томонидан брифинг ўтказилди. Унда кўмитанинг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ОАВ вакилларига ахборот берилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида кўмита қонун ижодкорлиги йўналишида 6 та қонун лойиҳасига масул бўлди. Уларнинг барчаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб ва Сенатга юборилди. Шулардан икитаси — "Географик объекتلарнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари кўмита аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилди.

Шунингдек, чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, ноконуний дарахт кесиш ёки қуздақов қилиш орқали уларга шикаст етказиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган 5 та янги, 2 та қонунчилик ҳужжатини киритишга доир қонун лойиҳалари устида иш олиб борилди.

Кўмита томонидан парламент назорати тадбирлари доирасида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини самарали амалга ошириш, маиший чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган устувор вазифаларни бажариш борасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, хайвонларга нисбатан шадфактис муносабатда бўлишини олдини олиш юзасидан ўрганишлар ва эшитувлар ўтказилди.

Хусусан, ҳисобот даврида назорат-таҳлил фаолияти доирасида 24 та тадбир уюштирилди. Улардан 7 таси қонун ҳужжатларининг, 3 таси Қонунчилик палатаси қарорининг ижроси ҳолатини ўрганишга, 14 таси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитишга тааллуқлидир.

Шунингдек, кўмита фаолиятини самарали олиб бориш, қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик иштирокида мўҳокамадан ўтказиш, амалга оширилаётган ишларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган йиғилиш ва тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Брифингда кўмитанинг келгуси режалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИКНИНГ КЕЙИНГИ БОСҚИЧИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамкорлигида "Ўзбекистон ва Сингапур: ўзаро ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Тадбирда Ўзбекистон — Сингапур ўртасидаги алоқаларнинг кейинги босқичида миллий парламент олдида турган вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини белгилаш, бу борада илмий-амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш масалалари мўҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, охириги йилларда Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги дипломатик муносабатлар йилдан-йилга ривожланиб бораёти, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ошган. Юртимизда Сингапур капитални иштирокидаги корхоналар сони кўпайди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 17 январь кунги Сингапурга давлат ташрифи икки мамлакат дўстона муносабатларига янги саҳифа очди. Хусусан, таълим, транспорт, соғлиқни сақлаш, давлат хизматчиларини тайёрлаш каби соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида битимлар қабул қилинди.

Давра суҳбати давомида экспертларнинг Ўзбекистон — Сингапур алоқалари истиқболларига доир маърузалари тингланди. Хусусан, Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар кўмитаси раиси ўринбосари Қодир Жўраев Президентимизнинг Сингапурга амалга оширган давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни ҳаётга жорий этишда парламент олдида турган вазифаларга тўхтади.

Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан тайёрланган "Сингапур парламенти" номли тўпламининг тақдимоти ҳам уюштирилди.

Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори Фозилжон Отахонов дастлаб дунё мамлакатлари пар-



ламентлари ҳақидаги тўпламлар ҳақида тўхталиб ўтди. "Сингапур парламенти" тўпламида ушбу мамлакат парламенти, унинг бошқарув аппарати, доимий кўмиталари, вақтинчалик махсус кўмиталар, тадқиқот департаменти ва бошқа таркибий бўлинмалар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига доир ўрганишлар натижалари ўз ифодасини топаганини таъкидлади.

Яқунда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлари, хусусан, парламентларо алоқаларни янги босқичга кўтариш юзасидан тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК онлайн-аукцион савдоларига тақлиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг "Республика Инкассация хизмати" давлат унитар корхонаси билан 2019 йил 21 октябрда тузилган 246/2019-12-сонли шартномага асосан <https://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2023 йил 7 февраль кунги ўтказиладиган очик аукцион савдоларига "Республика Инкассация хизмати" ДУК Тошкент шаҳар бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/Р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 103 QDA	4239730
2	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 105 QDA	4239731
3	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 114 QDA	4239732
4	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 115 QDA	4239733
5	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 116 QDA	4239734
6	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 119 QDA	4239735
7	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 122 QDA	4239736
8	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 125 QDA	4239737
9	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 129 QDA	4239738
10	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 133 QDA	4239739
11	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 135 QDA	4239740
12	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 136 QDA	4239741
13	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 138 QDA	4239742
14	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 140 QDA	4239743
15	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 141 QDA	4239744
16	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 144 QDA	4239745
17	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 146 QDA	4239746
18	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 147 QDA	4239747
19	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 150 QDA	4239748
20	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 153 QDA	4239749
21	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 158 QDA	4241784
22	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 160 QDA	4241785
23	Орландо LS	2015	01 163 QDA	4241786

Т/Р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
24	Орландо LS	2015	01 166 QDA	4241787
25	Орландо LS	2015	01 177 QDA	4241788
26	Орландо LS	2015	01 178 QDA	4241789
27	Орландо LS	2015	01 185 QDA	4241790
28	Орландо LS	2015	01 186 QDA	4241791
29	Орландо LS	2015	01 187 QDA	4241792
30	Орландо LS	2015	01 188 QDA	4241793
31	Орландо LS	2015	01 189 QDA	4242304
32	Орландо LS	2015	01 192 QDA	4241794
33	Орландо LS	2015	01 195 QDA	4241795
34	Орландо LS	2015	01 197 QDA	4241796
35	Орландо LT	2015	01 216 QDA	4241797
36	УАЗ 3163 -105	2016	01 753 OEA	4241798
37	УАЗ 3163 -105	2016	01 902 LEA	4241799
38	УАЗ 3163 -175	2017	01 943 BFA	4241800
39	НЕКСИЯ DONC	2016	01 647 YEA	4241801
40	Газ-2705-34	2008	01 765 ZAA	4241802
41	Газель -2705-14	2008	01 768 ZAA	4241803

ЖАДИД МАКТАБЛАРИ — МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ҲАРАКАТИНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Жадид — янги, янгиланиш демакдир. Маорифда, онгда, тафаккурда, ҳатто сиёсий тузумда янгиланиш учун курашувчилар жадидлар аталган. Ўлкамизда дунё тамаддунидан бутунлай узилиб қолган таълим-тарбия, давлат тизимидаги турғунликка нисбатан танқидий фикрлар узокни кўрувчи мутафаккирлар орасида анча илгари — XIX юз йилликининг ибтидосидан вужудга кела бошлаган эди. Бу ҳолини буюк олимлар Мухаммад Ҳакимхон тўранинг “Мунтахаб ут-таворих”, Аҳмад Донинининг “Наводир ул-вақоъ”, Исҳоқхон тўра Ибротнинг “Тарихи Фаргона” асарларида яққолроқ кўриш мумкин. Улар ўқитиш усулларини тубдан ислоҳ қилиш, табиий фанларни ўз ўрнига қўйиш учун кураш олиб борди. Шу ўринда жадид мактабларида қўлланган ва улар асосида дастлабки алифбо дарсликлари ва ўқув қўлланмалари яратилган “усули маддия” ҳамда “усули савтия” ўқитиш методлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Нуктаи назар

“Усули маддия”даги “мадд” сўзи “чўзмок” маъносини билдириб, ундош товушга унгли товушни қўйиш натижасида “чўзмок” бўлиб қолган. “Усули маддия” мана шу қоидага асосланади. Бу метод дастлаб немис педагоги Иоганн Герберт томонидан яратилган бўлиб, айни усул ўқилиш ва ёзишга ўргатишда ҳижо усулига нисбатан бирмунча қулайликларга эга. Ва унга асосан сўзларни ҳарфларга бўлиб, бу ҳарфларни сўзнинг энг кирич ҳужайи деб қаралган ва ҳарфларнинг сомитлари — суқутлари номлари айтилиб, шакллари (яъни ҳарфлари) кўрсатилган. Алифбо тартибидagi ундош ҳарфларнинг номига унгли товушлар қўйиб, турли бўғинлар ҳосил қилинади.

Масалан: бе+о – бо; те+у – ту; мим+ё – ми ва бошқалар. Ҳаётда бу бўғинларни ўқийди, унинг ортидан ўқувчилар бир неча марта, то ёд бўлиб кетгунча такрорлайди. Шу зайлда ундош ҳарфлар номига унгли товушлар қўйиш билан 130 дан ортиқ ҳижо ҳарф ҳосил қилиш мумкин. Шундай бўлса-да, бу бўғинларни ёдлаб, эсда сақлаш ўқувчилар учун анча қийинчилик тудиради.

“Усули маддия”нинг яна бир хусусияти шундаки, унда ундош товушларнинг номлари бир-бирига қўйилмайдиган, балки бир ундош товушнинг номига турли унгли товушлар қўйиб, оқик бўғинлар ҳосил қилинади. Шунинг учун “маддия” чўзмок, чўзмок маъноларини билдиради. Бу усул идрок қилиш, тушуниш асосига эмас, балки кўриш ва кўр-кўрона ёдлаш асосига қурилганлиги учун “савтия усули” методидан анча заиф ҳисобланади. Шунга қарамадан, “усули маддия”нинг энг қадимги ҳижо усулига нисбатан иқобий томонлари ҳам мавжуд: ўқувчилар ҳожил қилиш йўллариини тушуниб етади ва кейинчалик ёд олган ҳижолаари иштрокида сўзларни ўқийда қийналмайди.

“Усули маддия” методи асосида Абдулвахоб Ибодийнинг “Тахсилул алифбо”, Мухаммадамин ибн Мухаммадхонхожининг “Раҳбари айна”, Мулла Рустамбек ибн Юсуфбекхоннинг “Таълими аввал” алифболари яратилган ва улар “усули қадим” ҳамда “усули жадид” мактабларида кенг қўлланган. “Усули маддия” “усули савтия” методига ўтишда ўзига хос бир босқич вази фасини ҳам баҳарган. Шунинг учун “усули маддия” методи узок давом этмади. Кейинчалик бу метод “усули савтия” методига қўйилиб кетди. Унинг баъзи хусусиятлари ҳижо ҳосил қилишда қўлланади.

“Усули савтия”даги “савт” сўзи арабча бўлиб, “товуш” демакдир. Товуш методига товушнинг график белгиси — ҳарфлар ёрдамида саводга ўргатилади. Бу методнинг ўқитиш тизимига кириб келиши ҳақида ўзбек тилида бирорта махсус қўлланма яратилган эмас. Аммо унинг қўланиши ҳақида Саидрасул Саидазизов ўзининг “Ус-тоди аввал” биринчи ўзбек алифбосида қисқача маълумот бериб ўтган. Исмоилбек Гаспринскийнинг яқин ҳамқори, “Таржомон” газетасида ҳам фаолият кўрсатган, “усули савтия” мактабларининг Қримдаги етакчи ташкилотчиларидан бири Хасан Сабрый Айвазов 1906 йили босмадан чикарган “Усули тадрис ва таълим-тарбия” номи ўқитиш усулига бағишланган методик асарига мазкур метод ҳақида қўйидагиларни ёзади: “Усули савтия” исмидада англатилишидаги каби савтий усул демакдир. “Қор” каллимасини чуқурлаб гўстаражакда: “қоф”, “ғалиф”, “ро” демаюб, “к”, “о”, “р” дея гўстарилимадир. Асл “усули савтия” ила харф гўстарилик Имом Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратлари ила ислом муаррихи машҳур Абдурахмон ибн Халдул ўлтишлар эса-да, мадрасаларимиздан усули тадрис рафъ ўлиндиғи каби мактабларимиздан-да “усули савтия” гойиб эдилмишидир. Охиран, яна асхоби ақл ва гайрининг савйайла майдона гелиши эсада, ҳануз позими каби таълим ва илтишор эдил-мадигина жиддий таассуф эдилур”.

Мазкур сўзлардан шу нарсга равшан бўладики, “усули савтия” методи узок тарихга эга ва уни мусулмон оламида Ҳанафия мазаҳибининг асосчиси, фақих Имом Аъзам Абу Ҳанифа яратган, кейинроқ араб мутафаккири, тарихчи олим Абдурахмон ибн Халдул ривожлантирган ва мактабларда асосий ўқитиш методи сифатида қўлланган. Демак, Ватанимизда кенгдан биринчи ва иккинчи Ренессанс даврида мактабларда саводга ўргатиш “усули савтия” методига олиб боришган. XVI асрдан эътиборан теурийлар давлати бошқарув тизими мутаассиб уломалар қўлига ўтган табиий фанлар қаторида “усули савтия” ўқитиш методи ҳам таълим-тарбия тизимидадан бутунлай чиқариб ташланди, фақат қуруқ ёдлашга асосланган энг қадимги “усули ҳижоия” асосий ўқитиш методи сифатида етакчилик қилди. Натижада юксак тараққиёт

ўрнини таназзул эгаллади. Бу жараён XX аср бошларигача, қарийб тўрт ярим давом этди. Демак, XX асрдан эътиборан “усули савтия” методи тараккий этган Европада яна мусулмон оламига — ўз Ватанимизга қайтган.

“Усули савтия” методига сўз дастлаб товушларга — ҳарфларга бўлиниб, тахлил этилади, сўздаги товушлар — ҳарфларни қўйиб, синтез қилинади. Сўзни товушларга бўлиш ва уларни ўқилиш орқали ўрганилаётган товуш-ҳарфлар ўқувчиларга тушунтирилади. Бу метод Европада ўтган, биринчи марта XVI асрда поляк педагоги Валентин Икалзамер томонидан ишлаб чиқилди. Аммо католик мутаассиблиги бу методнинг амалда қўланишига имкон бермади. Икки аср ўтган, швейцариялик йирик педагог Иоганн Песталоцки товуш методини амалиётга татбиқ этди. Бу усул талабига қўра ўқувчиларга дастлаб ҳарфларнинг “алиф, бе, те, се, жим, хе...” тарзида номлари эмас, балки ҳарфларнинг “а, б, т, с, ж, х...” тарзидаги товушлари (савтлари), яъни улар ифодаловчи товушлар ўргатилади. Бу усулда ўқилишга ўргатишдан олдин ўқувчиларни бироз тайёрлаш керак бўлади. Бунинг учун улар жумлаларни сўзларга, сўзларни ҳижолаарга, ҳижолаари товушларга ажратишга ўргатилади. Шу зайлда сўзларни ҳижолаарга, ҳижолаари товушларга ажратиб, товушларнинг ёзуваги белгилари — ҳарфлар билан ифодалаш тушунтирилади. Бу “усули савтия”да “тахсил усули” деб юритилади.

Бу ўринда 6-7 ёшли боланинг тушуниши анча мураккаб бўлган бир жараён мавжуд: араб ёзувидаги ўзбек имлосида ҳарф билан ифодаланмайдиган жуда кўп қисқа ун-лилар бор бўлиб, улар баъзан ҳаракатлар билан ифодаланган, наасталик хатида эса ҳаракатлар кўп ҳолларда қўйилмайди. Булар, албатта, ўрни билан ўқувчиларга тушунтирилади, ҳаракатлар ҳақида маълумот берилади. Ўқувчилар тахлил усулини яхшилаб ўрганиб олганларидан кейин улар товушлардан ҳижолаар, ҳижолаардан сўзларга ясашга ўргатилади. Бу “усули савтия” методига “таркиб усули” деб юритилади.

Атоқли педагог Саидрасул Саидазизов (Азизий)нинг 1902 йилда нашрдан чикарган “Усоди аввал” алифбоси “усули савтия”

“*Кейинги йилларда миллий уйғониш ҳаракатининг йирик намояндаси Исҳоқхон Иброт хотира мажмуаси ва ижод мактабининг барпо этилиши, буюк ёзувчи Абдулла Қодирий ижод мактабининг очилиши, жадидчилик ҳаракатининг том маънодаги раҳнамолари Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхоннинг “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланиши маънавий ҳаётимиздаги энг улуг воқеалардан бўлди.*”

методида яратилган ўзбек тилидаги биринчи дарслиқдир. Ундан кейин 1906 йилда Мунавварқори Абдурашидхон “Адиб аввал”, 1912 йилда Абдулла Авлоний “усули савтия” ва “усули маддия” методлари омик-талигида “Биринчи муаллим”, 1919 йилда Шокиржон Раҳимий “Совга” алифбо дарслигини босмадан чикарди. Ҳозирда жаҳон педагогикасида амалда бўлган **аналитик товуш методи** “усули савтия” тадрижия” замирида вужудга келган ва жаҳон мактабларида қўлланадиган замонавий методдир.

“Усули жадид” номини олган, “усули савтия тадрижия” (босқичма-босқич товуш методи)га асосланган мактаблар моҳият эътиборига қўра, “рус-тузем” мактабларига қарши кескин курашларда камол топди. “Усули жадид” мактабларида миллий маънавияти юксак, миллат, Ватан истиклоли учун жон қийдирувчи ёшларни тарбиялаб етиштириш биринчи ўринда турган. Жадид педагогларининг буюк хизматлари шундаки, улар мактабларда ўз она тилида таълим-тарбия беришга, миллий маънавиятнинг асоси бўлиши она тили ва адабиёт, мусулмон дини асосларини ўқитишга ҳаёт-мамонт масаласи сифатида қаради. Умуман олганда, жадидлар ҳеч вақт рус ва Европа тилларини ўқитишга қарши бўлган эмас, аксинча, улар фақат миллий онги шаклланиб улгурмаган мурғак болаларни гайри тилига ўқитишга қарши эди. Чўки **миллий онг ва миллий тафаккур “сут билан кирган...”** деганларидек, **фақат миллий тилдагина шаклланади.**

Миллатнинг ўзлигини сақловчи асосий восита она тили ва миллий адабиётдир. Буни



рус миссионер педагоглари жуда яхши билар эди. Шунинг учун ҳам жадид мутафаккирлари миллий тил ва маънавиятни ўқитишга миллат тақдирини хал қилувчи асосий масала сифатида қаради. Чўпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги Мирқўси билан жадид Шарафиддин Хўжаев ўртасида кенган суҳбатни эсланг.

1905 йил воқеаларидан кейин гайрируслар (туркий халқлар) маорифи муҳомамаси янада жиддий сўз олди. Чор Россияси Маориф вазирлигидаги қорчалонлар мустама-ла мусулмонлар учун очилган ва очилиётган давлат мактаблари — рус ва рус-тузем мактабларида она тилини кирилл алифбосида ўқитиш масаласини кўтариб чиқди. Савол туғилди: нима сабабдан рус сўйсатдонлари, миссионерлари туркий халқларни маънавиятдан — она тилидан ва ёзувдан маҳрум этишга ёнишиб олди?! Туркий миллатлар тадрижияда ўта салбий моҳиятга эга бўлган бу тадрижга қарши Садр Мақсудий Россия Давлат думаси минбаридан туриб қўйидагиларни баён қилади: “Эй гўстадалар, ақла муружаат эдинг. Бизим ўз алиф-бомиз вор: ҳам динийдир, ҳам дунёвийдир. Русча ва французча ўқимиз, лекин ўз алиф-бомизни ҳеч бир вақт, ҳеч бир ўринда тарк этмаюримиз! Бу ишда мангисизликми таажжуб эдилим ёки изхор ўлан ҳақоратгами ҳайрон ўлаимиз?!”

1909 йилда Чор Россияси Давлат думасида яна ушбу масала — “Гайрирусларнинг давлат тасарруфидаги мактабларида таълим-тарбия қайси тилда олиб борилиши керак?” мавзю бироз бошқачароқ шаклда

муҳомада этилади. Унда “туркистонликларнинг адабий тили йўқлиги” сабабли таълим-тарбия фақат рус тилида олиб борилади, агар маҳаллий сўзларга эътиҳ турилган тақдирда эса араб ёзувида эмас, кирилл ёзувида таълим берилади, деган қўрсатма эълон қилинди. Жиддийроқ эътибор берилса, туркий халқларни араб ёзувдан маҳрум этиш билан уларни бир-бирларидан ажратиш, парчалаш, нифок солиш сиёсати етакчилик қилмоқда. Бу қўрсатма туркийза-ба сўзлеларининг, педагогларнинг қаттиқ нозролимига сабаб бўлди. Унга қарши “Тар-жумон” газетасида эълон қилинган “Чигаоти дили” сарлавхали мақолада қўйидагиларни ўқиймиз: “Самарқанд, Фаргона, Сидраб кўпаларининг шевалари эски чигаоти шевасидир. Бу шева аҳадий ўлдуғи бутун жахона маълумдир. Датт турк шевани адабийларининг энг қадими ва мабдан ўлдуғи лисонин олдиди масдак (тасдиқланган)дир. Тафозатиниллар, Аҳмад Ясавийлар, Али Қўшчи, Алишер Навоий ва соирлари вужуда келтурмуш Туркистон дили нечук “дилсиз”, “адабиётсиз” от ўлинуру?! Рус миллатининг лисони адабий ўлмадиги замонда, Ломўнўсўф, Пушкин каби рус адибларининг вужудиндан уч ва тўрт юз сана муқаддам “Муҳокамат ул-пугатайн” рисоласи-на боқ! — газета муҳаррири изоҳи — У. Д.) Чигаоти, яъни Туркистон дили форсий фойиқ (ғалиб) бўлидиги даъво ўлину-ру-да, бутун Туркистон белосидир, дею насил ҳўжм ўлинуру?! Киев ва Мусква балда-ларинда рум ва лотин лисонинда бирор раҳ-бон шқоласи таъсис эдилмасдан муқаддам Бухоро ва Самарқандда илми тибб, ҳайъат,

фалсафа, таърих, жүғрофия, ҳандаса ва со-ира дарс ва тахсил эдилур. Форобийлар, Ибн Синолар, Улўбеклар каби турк ҳўжам-син этишур-да, буюқларнинг аҳфодибу кун нечук дилсиз от ўлинуру?!”

Нима сабабдан рус сўйсатдонлари ва миссионерлари чор Россияси мустама-лачилигидаги туркий халқларни араб ёзувдан кирилл графикасига ўтказиш учун кураш бош-лади? Уларнинг асосий мақсадлари маъ-лум: бу сўйсат мустама-ла миллатларнинг ўзлигини йўқотишдаги биринчи босқич бўлиб, “Айрилгани айик ер, бўлигани бўри ер”, деганларидек, Россия империясида катта куч ва маъкега, нуфусга эга бўлган туркий халқ-ларни парчалаш, уларни бир неча минг йил-лик маънавиятдан, тарихидан маҳрум этиш, рус халқига сингдириб, бир лўжма-бир лўж-ма қилиб ютиб юбориш эди. Бундай сўйсат-ни қўллашда улар кескин қаршилиққа эди-келди. Шу боис мустама-лачилар бу сўйсатдан қайтмай, уни нихоятда эътиҳкорлик, аста-секинлик билан амалга ошира бошла-ди. Мана шундай оғир шароитда ўзбек жа-дид педагоглари она тили ҳамда миллий адабиёт ва маънавиятни ўқитишга миллат-нинг ҳаёт ва мамонт масаласи сифатида қаради, жадид педагогикаси назарий ва ам-алий асосларини Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, Фитрат эса “Раҳбари нажот” асарларида ишлаб чиқди.

Мана шундай миллий ва диний заминга қурилган “усули савтия тадрижия мактаб-ларининг Россияда бонийи муассиси Исмоилбек ҳазратларидур” дейди Маҳмудхўжа Бехбудий. Усули жадид мактаб-ларининг худди шу миллий замин асосида вужудга келганилиги, уларда миллият ва маънавият билан баробар мантйкий фикрлашга мажбур этuvi табиий фанларнинг ўқитили-ши чор мустама-лачиларни мафкурасига бу-тунлай эид эди. Бундай мактабларга қарши катта-катта тўсиқлар қўйилиши ҳам унинг миллий замин асосига қурилганилиги учун эди. Чўки жадид мутафаккирлари, педагог-лари томонидан очилган янги мактаблар ва уларнинг таълим-тарбия тизими чор Россия-си ва губераторлиқнинг маҳаллий аҳолини руслаштириш сиёсатини амалда йўққа чиқар-ар эди. Шунинг учун ҳам “жадид” ва “қадим” ўртасидаги курашлар жиддий давом этди. Бу курашда мустама-лачилар мутаассиб шариат-дин пешволарини рағбатлантирди, ўзларини мусулмон дини аҳкомларининг ҳимоячиси қилиб кўрсатди, жадид педагог-ларини таъхиб ва таъзиққа, сиёсий айблов ҳамда қувғунларга мажум этди.

Гайрирусларни, биринчи навбатда, Россия империяси тасарруфидаги туркий халқларни руслаштиришга қаратилган Илминский тизимини Туркистон ўлкаси мактабларига татбиқ қилар экан, уларни “усули қадим” тарафдорлари эмас, “усули жадид” иждоқорлари, тарафдорлари қаттиқ ташвишга солди. Бунинг сабабларини Ильминскийнинг ўзи шундай изоҳлайди: “Тараққиёт сари юз тутиб, ислоҳ бўлаёт-ган мусулмонлик Фарб маданияти келти-риб чиқарган техник имкониятлардан фой-даланса, шу билан бирга, замонавий мак-таблар очилишга кучини сафарбар этса, у янги тарихий тараққиёт босқичига кўтари-лади ва насронийлик учун жиддий ҳавф туғдиради. Шу сабабли Гаспринский ил-гари сўраётган жадидчилик оқимига қарши чиқишга мажбуримиз. Рус ҳўкумати ва зёи-лилари жадид мактабларининг очилишига рўхсат бериш билан ўзлари ўтирган да-рахт шохини кесмоқдалар”.

Нихоят, И. Гаспринскийнинг Бухоро амирлигига қилган биринчи сафаридан 8 йил кейин 1901 йилда Мунавварқори Абдурашидхон томонидан дастлабки усули жадид мактаблари очилди. Бунинг давоми сифатида 1903 йилдан эътиборан Самар-қандда Абдуқўдир Шакурый, Сиддиқий Ажзий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Саид Ризо Ализода, Ҳожи Муин томонидан кетма-кет яна шундай мактаблар очилди. Туркистон-да етишиб чиққан энг буюк ислохотчи педагоглардан бири бўлган Мунавварқори Абдурашидхоннинг Гаспринскийдан ўрناق олиб, ҳам жадид мактабларида муаллим-лик қилди, ҳам усули жадид мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлашда, янги дарс-ликлар ва қўлланмалар яратиш ҳамда нашр этишда катта фаолият кўрсатди. Янада эътиборли жиҳати шундаки, у миллат фар-зандларини илм-маърифатли қилишда ба-сиратли мусулмон мулкдорларни иқтисодий кўмак беришга даъват этди. Унинг мактаби товуш Туркистон ўлкаси муаллимлари учун “Намуна мактаби” сифатида ўқитувчиларни илм маляксини ошириш ва қайта тайёр-лаш вазифасини ҳам бажарди.

Мунавварқори тарбиялаб етиштирган ака-ука Эшонхўжа ва Хусанхўжа Хонийлар, Собиржон ва Шокиржон Раҳимийлар, Ўлбек — Машрик Юнусов, Салим Тиллохон ўғли, Қаюм Рамазон, Шорасул Зўнун, Махид Қодирий каби ўқитувчиларнинг гайрати билан Тошкентда жадид мактабларининг миқ-дори 30 дан ошиб кетди. Натижада бу ҳа-ракатлар кенгайиб, аввал Фаргона водийси

Муктасар айтганда, жадид мактаблари миллий уйғониш ҳаракатига тамал тоши бўла олди. Бинобарин, ҳар қандай ислохот, аввало, мактабдан, онгу тафаккур ўзгаришидан бошланади. Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида маърифатпарвар жадид болаларимиз сўзлари билан таъкидлаганидек, **“Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чўки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”.**

Улўбек ДОЛИМОВ,
педагогика фанлари доктори.

шаҳарларига, кейинроқ эса Бухоро ва Хива хонлиқларига ёйилди, тез фурсатда 100 га яқин усули жадид мактаблари очилди. Бун-дай ишларда унга жадидчилик ҳаракатининг етакчиларидан Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Иброт яқиндан мададкор бўлди. Шундай қилиб, Исмоил-бек Гаспринскийнинг Россия тасарруфидаги туркий халқларнинг ислом динидан ажрал-маган ҳолда замонавий таълим-тарбия ти-зимига ўтиш учун қилган ҳаракатлари му-ваффақиятли давом этаётган, ҳатто кўплаб “усули қадим” тарафдорлари ҳам янгича ўқитиш тизимига ўтаётган ва улар сони йил сайин эмас, кун сайин ўсиб бораётган эди. Шунингдек, усули жадид мактаблари учун яратилган дарслик ва мажмуалар усу-ли қадим мактабларда ҳам қўллана бош-ланган эди. Педагогик жараёндаги бундай юксак тараққиёт Исмоилбек Гаспринский ҳаётида юз берган бахтли ҳодисалардан эди.

Шу ўринда бундан 30 йил муқаддам ке-чган воқеалар эсга тушади. Мустақиллиги-мизнинг дастлабки йилларида жадидшуно-слик илмининг том маънодаги асосчиси Беғали Қосимов раҳбарлигида жадидчилик ҳаракатини кенг қўламда ўрганиш мақса-дида махсус кафедра ташкил этилди. Кенг миқёсдаги тадқиқотлар йўлга қўйилди. Қисқа муддатда қатор олимлар томонидан “Мил-лий уйғониш даври ўзбек адабиёти”, “Жа-дид драмаси”, “Миллий уйғониш”, “Мил-лий уйғониш даври ўзбек педагогикаси”, “Ўзбек журналистикаси тарихи” дарслика-ри нашр этилди. Шунингдек, Бехбудий, Авлоний, Ҳожи Муин, Исҳоқхон Иброт, Тавалло, Вадул Маҳмуд, Камий каби жадид мутафаккирларнинг “Танланган асарлар”и “Истиклол ҳақрамонлари” рукии остида бос-мадан чиқарилиди.

Туркий халқлар ҳамда тожиқзабонлар ўртасидаги жадидчилик ҳаракати чет элларда ҳам ўрганилмоқда. Бу ўринда 1999 йил сен-тябрда юртимизда “XX аср бошларида Мар-казий Осиё: жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик” мавзюда йирик халқро қон-ференция ўтказилди. Унда 20 га яқин чет эллик жадидшунос олимлар маърузалари билан иштирок этди. Улар орасида амери-калик Адиб Холид, германиялик Ингеборг Балдауф, италиялик Марко Буттино, нидер-ландиялик Тўраж Атабаки, франциялик Шанталь Келькежи каби машҳур жадид-шунослар бор эди. Мазкур анжуман жа-дидчилик ҳаракатини халқро миқёсда ўрга-нишда ўзига хос воқеа бўлди. Шунингдек, мазкур анжуман муносабати билан ўзбек жадидшуносларининг “Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш” мақоалар тўплами нашр этилди. Аммо афсуски, бундай халқро миқёсдаги анжуманлар давом этмади, тўхтаб қолди.

Шавкат Мирзиёев президентлик фао-лиятининг дастлабки кўнларидан бошлаб, жадид ота-бобаларимизнинг Ватан, халқ истиклоли йўлидаги фидойиликларини кенг тарғиб этиш, ёшлар шўурига сингдиришга алоҳида аҳамият қаратди. Кейинги йиллар-да миллий уйғониш ҳаракатининг йирик на-мояндаси Исҳоқхон Иброт хотира мажмуа-си ва ижод мактабининг барпо этилиши, буюк ёзувчи Абдулла Қодирий ижод макта-бининг очилиши, жадидчилик ҳаракатининг том маънодаги раҳнамолари Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхоннинг “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирла-ниши маънавий ҳаётимиздаги энг улуг воқеалардан бўлди. Жадид мутафаккирла-ри асарларини тарғиб этишга катта эъти-бор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, жадидлар-нинг ижодий мероси бугунги авлод тарбиясида муҳим ўрин тутайди ва уларда акс этган гоғлар ҳозирда ҳам ўта муҳим-лигини йўқотган эмас.

Айни кўнларда матбуотда зиёлиларимиз томонидан Халқаро жадидчилик академияси — илмий-тадқиқот маркази ташкил этиш ҳақидаги мулоҳазалар билдирилмоқда. Бу тақлифни қўллаб-қувватлаш зарур. Маълум-ки, Туркистон жадидлари билан Қозон ва Қрим, Озарбайжон ва бошқирда жадидлари ўртасида яқиндан ҳамкорлик бўлган. Туркис-тон жадидларининг ўз матбуот органлари вужудга келмасдан бурун қардош туркий халқлар газета ва журналларида ўз асар-лари билан фаол иштирок этган. Аммо ке-йинги йилларда жадидшунослар ўртасида-ги ҳамкорлик ва алоқалар сусайди. Туркис-тон жадидчилик ҳаракатини нафақат қардош туркий халқлар жадидшунослари билан, шунингдек, жаҳон жадидшунослари билан ҳамкорликда ўрганиш, асарларини Европа тилларида нашр этиш ташкил қилинажак Халқаро жадидчилик академияси фаоли-ята аққол намоён бўлади.

Уйлаймизки, янги ташкил этилажак ил-мий-тадқиқот маркази катта нуфусга эга бўлган туркий дунё ҳамда жаҳон жадид-шунослари билан илмий ҳамкорлигини йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор қара-та. Зотан, бу ҳаракат намояндаларининг амалий фаолияти ҳар томонлама ибратга муносибдир.

Биз ва жаҳон

ГЕНТ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистоннинг Бенилюкс мамлакатларидаги элчиси Дилёр Ҳакимов Гент университети ёзма ва оғзаки таржима факультетининг туркий бўлими мудири, профессор Йохан Вандевалле бошчилигидаги бир гуруҳ илмий ходимлар билан учрашди.



Тадбирда суҳбатдошларга Ўзбекистон олий таълим тизимида амалга ошири-лаётган тизимли ислохотлар ҳақида сўзлаб берилди. Ўзбекистон Президенти тақлифига биноан, мамлакатимизда 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилингани, кенг қўламли ўзгаришлар жараёнида ўзбек ти-лининг давлат тили мақоми янада ок-салтиришга катта эътибор қаратилаётга-ни таъкидланди. Хусусан, “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилингани қайд этилди.

Ўзбекистон элчихонаси маълумотига қўра, 1817 йил 9 октябр кўни очилган Гент университети Бельгиядаги учта энг йирик олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Унда 38 мингга яқин тала-балар тахсил олади ва 7 мингдан зиёд ходимлар ишлайди. Ушбу олий ўқув юрти Бельгия ва дунёнинг энг яхши универси-тетлари қаторида эътифрб этилади.

Университет вакиллари Ўзбекистон олий ўқув юртилари билан тилшунослик, маданият ва санъат йўналишларида ҳам-корлиқни ривожлантиришга тайёр экани-ни билдирди.

Хусусан, Бельгия университети профес-сор-ўқитувчиларининг ўзбек халқи тари-хи, маданияти, санъати, анъаналари, шу-нингдек, миллий тилига қизиқиши ортиб бораётгани таъкидланди. Шу муносабат билан ўзбекистонлик ҳамкорлар ҳамда Гент университети санъат ва фалсафа факультетининг Ижтимоий фанлар ака-демияси томонидан “Ипак йўли бўйлаб маданият ва тиллар учрашувлари” лойи-ҳасини биргаликда амалга ошириш исти-қболлари юзасидан фикр алмашилди.

Лойиҳа доирасида Ўзбекистон мада-нияти ва ўзбек тилига бағишланган маъ-рузалар, ўқув қўрсалари, маҳорат дарслари, семинарлар, вебинарлар, муслиқ дастурлар, кўргазмалар ва бошқа тад-бирларни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

«Дунё» АА.
Брюссель